

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари

А.Ш.Иноятлов

2021 йил “11” август

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МАРҲАМАТ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ХУДУДИДА ТИББИЁТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА КОНЦЕПЦИЯСИ

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	Давлат-хусусий шериклик асосида Андижон вилояти Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудудида тиббиёт марказини ташкил этиш
Тармоқ номи:	Соғлиқни сақлаш
Лойиҳа тури:	Янгидан қуриш, жиҳозлаш
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми	Лойиҳалаштириш, қуриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш
Давлат шеригининг номи:	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):	Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Турон МФЙ

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сон “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, бўш турган соғлиқни сақлаш объектида, хусусан Андижон вилояти Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудудидаги бўш турган ер майдонида янгидан бино қуриш ҳисобига давлат-хусусий шериклик асосида тиббиёт марказини ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади – бўш турган ер майдонида тиббиёт маркази биносини қуриш ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш, юқори технологияли амалиётларни бажариш, бунинг натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ўртача умр кўриш давомийлигини узайтиришга кўмаклашишдан иборат.

Лойиҳа доирасида хусусий ташаббускор томонидан бўш ер майдонида тиббиёт маркази учун янги бино қурилиб, унда тиббий диагностика хизматлари, жумладан терапевт, эндокринолог, невропатолог, кардиолог, уролог, гинеколог кўриги, ЭХО энцефалограф текшируви, лапароскопда жарроҳлик амалиёти, клиник ва биохимик лаборатория текширувлари, физиотерапия муолажалари ва бошқа хизматлар ҳамда стандарт ва люкс шароитига эга бўлган стационар бўлими ташкил қилиниши режалаштирилган.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Қўшимча маълумотлар			
1.	Лойиҳанинг ЛБХ/ТИА/ТИХҚ мавжудлиги: Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Лойиҳани баҳолаш ҳужжати илова қилинади.		
2.	Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса: Инвестиция дастури <input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори <input type="checkbox"/> Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/> Бошқа <input checked="" type="checkbox"/> Хусусий ташаббускор		
3.	Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>		
4.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг: Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида хусусий шерик томонидан 6 863 376 710 сўм инвестиция киритиш орқали уч қаватли тиббиёт маркази биносини қуриб, тиббий диагностика бўлими ҳамда 50 ўриндан иборат стационар бўлимини ташкил қилиш режалаштирилган.		
5.	а) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси: 6 525 643 320 сўм	б) Эксплуатация харажатлари микдори: 337 733 390 сўм	в) Умумий харажатлар: 6 863 376 710 сўм
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: 10 йил		д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: 1 йил
6.	а).	Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов <input checked="" type="checkbox"/> Эркин фойдаланиш учун тўлов <input type="checkbox"/>	
	б).	Фойдаланганлик учун тўлов: Бир йилда ўртача 4,4 млрд.сўмлик тиббий хизматлар кўрсатишни назарда тутлади.	
	в).	Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Қўшимча фойда тақсимоти <input type="checkbox"/>	

7.	ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: Давлат ташаббускори <input type="checkbox"/> Хусусий ташаббускор <input checked="" type="checkbox"/>					
8.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.					
Хавф ёки хатарлар турлари	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тақсимооти асоси	Изоҳ	
Лойиҳага тегишли хавф хатарлар			•			
Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•			
Яширин нуқсон хавфи			•			
Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	•					
Молиявий хатарлар			•			
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)	•					
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			•			
Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар		•				
Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•					
Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			•			
Солиқ билан боғлиқ хатарлар		•				
Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар		•				
Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•			
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	•					

Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	•				
Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши					Мазкур лойиҳа доирасида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган
Сиёсий бекарорлик хатарлари	•				
Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			•		
Мулк конфискацияси	•				
Операцион хатарлар			•		
Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		
Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
Бошқа					
9.	Ҳар бир босқич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг:				
		Сана			Сана
а)	ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	2021 йил август	д)	Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш	Тендер якунидан сўнг
б)	Лойиҳа олди ҳужжатларни ишлаб чиқиш агар номзод бўлса (масалан: тендер ҳужжатлари)	45 кун	е)	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.	Х
в)	Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	Х	ё)	Молиявий якунлаш	Тузилган битим кучга кирганидан сўнг
г)	Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)	2 ой муддатда			

10.	Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ: Мазкур лойиҳа доирасида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган.
11.	Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради): Мазкур лойиҳа доирасида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган.
12.	Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг: Мазкур лойиҳа доирасида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган.
13.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазибаларни, муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Хусусий ташаббускор томонидан ташаббус кўрсатилган мазкур лойиҳа доирасида соғлиқни сақлаш объектининг бўш турган ҳудудида янги бино қуриш, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, Андижон вилояти, Марҳамат туманида янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш кўзда тутилмоқда.</p>
14.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?:</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Хусусий ташаббускор томонидан тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси доирасида давлат шериги ва хусусий шерикнинг ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорлиги назарда тутилади.</p>
15.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Хусусий ташаббускор томонидан тиббиёт марказини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш.</p>
16.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида хусусий ташаббускор томонидан тиббиёт марказида беморлар тўғрисида маълумотларни, жумладан беморнинг Ф.И.Ш., туғилган йили, клиник ташхиси, врачнинг Ф.И.Ш. ва қўшимча маълумотларни ўз ичига олган электрон тизимни жорий қилиш назарда тутилмоқда.</p>
17.	<p>Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?</p> <p>Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>1 000 кв.метр</p>

18.	а) Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>
	б) Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>
19.	Давлат шериги томонидан амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳамжларини кўрсатинг: Сув таъминоти объектларини қуриш <input type="checkbox"/> Газ таъминоти объектларини қуриш <input type="checkbox"/> Электр таъминоти қурилмаларига уланиш <input type="checkbox"/> Кириш йўллари <input type="checkbox"/> Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/> Бошқа
20.	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг: Давлат шериги ва Хусусий шерик
21.	Давлат шеригининг алоқа учун масъул бўлган шахси ҳақида маълумот:
Масъул этиб тайинланган шахс	Давлат шеригининг масъул ходими
Ф.И.О:	Мингбаев Зоиржон Рахимович
Лавозими:	Бош мутахассис
Тел:	71 241-86-13
Электрон почта манзили:	info@minzdrav.uz

“Киритилди”

Хусусий шерик раҳбари



Ш.Ш. Ўлмасов